



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Термиз давлат университети ректори

А.Х.Тошқулов

2017 йил

“Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш”  
интерактив хизматининг намунавий регламенти

1. Хизмат таърифи

1.1. Хизмат (паспорти) номланиши

Қисқа номи: "Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш".

Кенгайтирилган номи: "Олий таълим муассасаси (кейинги ўринларда - ОТМ) томонидан "Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига аризаларни электрон қабул қилиш" интерактив хизмати.

1.2. Хизмат натижаси

Термиз давлат университети профессор-ўқитувчиларидан электрон шаклда ариза қабул қилиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи

Хизмат Термиз давлат университети томонидан кўрсатилади

1.4. Ҳуқуқий асослар

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги 4-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ги 2007 йил 2-августдаги 181-сон қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари.

1.6. Ариза бериш муддатлари.

Белгиланган муддатларда (муддат кўрсатилсин).

1.7. Бажарилиш муддатлари

Белгиланган муддатларда (муддат кўрсатилсин).

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаатқилган ҳар қандай фойдаланувчига куйидаги ахборот тақдим этилади:

– хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;

– хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;

ариза бланкасини тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;

– хизматдан фойдаланиш муддатлари;

– хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

2.2. Батафсил маълумот олиш

Термиз давлат университети расмий веб-сайти орқали.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Термиз шаҳар Баркамол авлод 43-уй

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

Термиз давлат университети танлов комиссияси душанба - шанба кунини соат 09<sup>00</sup>-18<sup>00</sup>га қадар фаолият олиб боради. Ҳафтанинг якшанба кунини иш кунини ҳисобланади.

3.2. Кутиш шартлари

Кутиш шартлари белгиланмаган.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

ЭРИ (электрон рақамли имзо):

дарслик ва ўқув адабиётларнинг электрон нусхаси.

4.2. Хизмат тўлови

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

Термиз давлат университетининг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
- "Интерактив хизматлар" бўлимидан "Йилининг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи танловига ариза бериш" интерактив хизмати танланади:
- Аризачининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ), лавозими ҳақидаги маълумотлари киритилади.
- Дарслик ва ўқув адабиётларнинг электрон нусхаси илова қилинади.
- Оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб. "ЭРИ билан юборинг" функцияси танланади ва ариза юборилади.


4.5. Рад этиш сабаблари

Маълумотлар нотўғри киритилганлиги.

“КИРИТИЛДИ”

Термиз давлат университети

Ўқув услубий бўлим бошлиғи


  
А.Сагаторов  
“ 10 ” 11 2017 й.

“КИРИТИЛДИ”

Термиз давлат университети

Ахборот технологиялари

маркази бошлиғи

  
Х.А.Чориев  
“ 10 ” 11 2017 й.